

**Мавжуд бўш иш ўринларини жойлаштириш ва улар бўйича  
мурожаатларни кўриб чиқиш**  
**ҚОИДАЛАРИ (ТАРТИБИ)**

**1. Хизматнинг тавсифи (паспорти)**

1.1. Хизмат номи:

Мавжуд бўш иш ўринларини жойлаштириш ва улар бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш.

1.2. Хизмат натижаси (мақсади):

Мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олиш, резюме ва тегишли хужжатларни топшириш.

1.3. Хизмат кўрсатиш муассасаси ва бланка олиш манзиллари:

Мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот жойлаштириш ва улар бўйича мурожаатлар Республика ахборот-кутубхона маркази (РАКМ) томонидан амалга оширилади. РАКМнинг интернетдаги [www.infolib.uz](http://www.infolib.uz) сайти орқали ёки бевосита Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол қўчаси 7 уй манзилида мурожаат этувчи мавжуд бўш иш ўринлари билан танишиши, резюме бланкасини олиши ва ўзи ҳақидаги маълумотлар қайд этилган резюмени топшириши мумкин.

1.4. Ҳукуқий асослари:

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 181-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 5 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш тўғрисида”ги 446-сонли буйруғи.

Республика ахборот-кутубхона марказининг 2013 йил 5 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш тўғрисида”ги 150-сонли буйруғи.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар:

Жисмоний шахслар.

**1.6. Мурожаат муддати:**  
Чегараланмаган.

**1.7. Ижро муддати:**

Республика ахборот-кутубхона марказининг интернетдаги сайти орқали онлайн-мурожаат этилганда — уч иш куни давомида. Республика ахборот-кутубхона маркази жойлашган манзил бўйича бевосита мурожаат этилганда — уч иш куни давомида.

**1.8. Маълумотни тақдим этиш муддати:**

Мурожаат этувчининг электрон манзили ёки телефон рақамига беш иш куни давомида хабар берилади.

## **2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот бериш**

**2.1. Маълумотнинг таркиби ва ҳажми:**

Бўш иш ўрни (лавозими) ҳақида маълумот, номзодга қўйиладиган талаблар, муассаса жойлашган манзил ва телефон рақами (электрон почтаси).

**2.2. Батафсил маълумот бериш:**

Барча маълумотлар [www.infolib.uz](http://www.infolib.uz) сайти, интерактив давлат хизматлари ягона портали ва 234-34-91 рақами орқали тақдим этилади.

**2.3. Мурожаат бўйича маълумот бериш:**

Бевосита (шахсан): Хизматдан фойдаланиш бўйича барча саволларга оғзаки (10 дақиқа давомида) ва матн шаклида ёзма ахборот тақдим этилади.

234-34-91 телефон рақамлари орқали 9:00 дан 18:00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича барча саволларга қисқа маълумотлар (5 дақиқа давомида) бериб борилади.

[kadr@infolib.uz](mailto:kadr@infolib.uz) электрон манзили орқали оммабоп (оддий матн, DOC, RTF, PDF ва бошқа) форматдаги ёзма мурожаатларни қабул қилиш, 9:00 дан 18:00 гача оммабоп (оддий матн, DOC, RTF, PDF ва бошқа) форматдаги ёзма жавоб хатларини, тайёр ҳолатдаги бўш иш ўринлари ҳақидаги ҳужжатларни, зарурий бланкалар ва йўналиш чизмаларини юбориш.

**2.4. Хизмат кўрсатиш бўйича маълумот бериш жойи:**

Республика ахборот-кутубхона маркази (Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 7 уй).

**2.5. Ҳужжатлар бланка (шакл)лари:**

Бўш иш ўрнига мурожаат этувчининг резюме шакли сайтга жойлаштирилган.

## **3. Хизмат кўрсатиш**

**3.1. Иш вақти:**

РАКМ ходимлар бўлими катта инспектори — Азимходжаева Хамида Шакаровна.

Қабул вақти: чоршанба ва пайшанба кунлари 9:00 дан 18:00 гача.

### 3.2. Жавобни кутиш тартиби:

Дастлабки жавоблар [kadr@infolib.uz](mailto:kadr@infolib.uz) электрон почтаси ва 234-34-91 телефон рақами орқали берилади. Муассасанинг ўзида навбат кутиш 30 дақиқа давом этади.

## 4. Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1. Зарурый ҳужжатлар:

Пасспорт, ИНН, жамғарид бориладиган пенсия ҳисоб рақами, диплом, 6 дона фотосурат (3x4 ўлчамда), ташриф буюрувчининг меҳнат дафтарчаси, охирги иш жойидан маоши тўғрисидаги маълумот.

### 4.2. Пуллик хизматлар:

Хизмат кўрсатиш бепул.

### 4.3. Давлат хизмати кўрсатишнинг босқичлари:

Давлат хизмати кўрсатишнинг босқичлари 1-иловада кўрсатилган.

### 4.4. Давлат хизматлари кўрсатишнинг ички идоравий тартиби:

UZINFOCOM маркази билан ўзаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 5 декабрдаги “Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш тўғрисида”ги 446-сонли буйруғига асосан.

### 4.5. Рад этиш асослари.

Рад этишга қўйидагилар асос бўлади:

Мурожаат этувчи тақдим этган ҳужжатларнинг талабга номутаносиблиги (нотўғри расмийлаштирилган, ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги).

Мурожаат этувчи тақдим этган ҳужжатлардаги маълумотларнинг нотўғрилиги.

Мурожаат этувчининг мавжуд бўш иш ўрнига номутаносиблиги.

## 5. Сифат таъминоти

### 5.1. Сифат кўрсаткичи

РАКМнинг [www.infolib.uz](http://www.infolib.uz) сайтининг “Мурожаат” бўлимида ёки шахсан келиб мурожаат этувчи анкетани тўлдириши мумкин:

- Хизмат кўрсатиш муддатидан мамнунмисиз?
- Хизмат кўрсатиш сифатидан мамнунмисиз?

- Хизмат кўрсатиш жойи қулайликларидан мамнунмисиз?
- Белгиланган бўлимда шарҳ ва даъволарингизни қолдиришингиз мумкин.

Хизмат кўрсатиш сифатини белгилаш РАКМ сайтида ёки шахсий мурожаатга кўра, ҳар чоракда сўровнома асосида олиб борилади.

#### 5.2. Хизмат кўрсатиш сифатига шикоятлар:

Муассаса раҳбарига оғзаки ёки ёзма мурожаат қилиш. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси”га асосан кўриб чиқилади.

## 1-ИЛОВА

### Бўш иш ўринлари бўйича маълумот тақдим этиш ва резюми бериш хизмати схемаси



